

**“MAKTABGACHA TA'LIM  
– MAKTAB – OLIY TA'LIM”  
KONSEPSIYASI: MUAMMO,  
YECHIMLAR VA ISTIQBOLLAR**

**XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI**

**MATERIALLARI**

**2022-yil, 9-aprel**

**Buxoro – 2022**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI  
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI  
MAKTABGACHA VA BOSHLANG‘ICH TA‘LIM FAKULTETI  
BOSHLANG‘ICH TA‘LIM METODIKASI KAFEDRASI**

**MAKTABGACHA TA‘LIM – MAKTAB – OLIY  
TA‘LIM” KONSEPSIYASI: MUAMMO, YECHIMLAR VA  
ISTIQBOLLAR**

**XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI**

**MATERIALLARI**

**2022-yil, 9-aprel**

**Buxoro – 2022**

## 2 SHO‘BA. MAKTABGACHA TA‘LIM VA O‘RTA UMUMTA‘LIM MAKTAB HAMKORLIGI, O‘ZARO INTEGRATSIYADAGI YUTUQ VA MUAMMOLAR

### MAKTABGACHA TA‘LIM MUASSASALARI VA BO‘SLANƒICH TA‘LIMNING AYRIM MUAMMOLARI

Азимов Юнус Юсупович

*Бухоро давлат университети Бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти,  
филология фанлари номзоди.*

Юсуфзода Шабнами Юнус

*Бухоро давлат университети Бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мазкур мақолада мактабгача таълим муассасалари ҳамда бошланғич мактаблар ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқлик ва ўзаро таъсир, болаларнинг мактабгача таълим муассасаларидан етарлича тарбия ва билим оляптиларми, улар бошланғич таълимга тайёрами каби муаммолар борасида фикр – мулоҳазалар юритилади.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются взаимосвязи и взаимодействия между дошкольными и начальными школами, получают ли дети адекватное образование и обучение в дошкольных учреждениях, готовы ли они к начальному образованию.

**Annotation:** This article examines the relationship and interaction between preschool and primary schools, whether children receive adequate education and training in preschool institutions, whether they are ready for primary education.

**Таянч сўзлар:** мактабгача таълим, бошланғич таълим, бола юклагаси, мактабга тайёраш, мураббийлар саводхонлиги, халқаро тажриба, олимлар фикри, илгор технологиялар.

**Ключевые слова:** дошкольное образование, начальное образование, детская нагрузка, готовность к школе, педагогическая грамотность, зарубежный опыт, мнение ученых, передовые технологии.

**Keywords:** preschool education, primary education, child load, readiness for school, pedagogical literacy, foreign experience, opinion of scientists, advanced technologies.

Кейинги йилларда таълим соҳасида қабул ва эълон қилинган бир қатор қарору буйруқлар мактабгача таълим муассасалари, хусусан, бошланғич мактаб тизимини тубдан янгилашни, унинг моддий-техник базасини, ўқиш ва ўқитиш усулларини миллий ва халқчиллаштириш ҳамда стандартлаштириш зарурлиги, бунинг учун қатор муҳим вазифаларни амалга ошириш йўлларини аниқ белгилаб берди. Давлатимиз томонидан бу масалага жиддий эътибор қаратилиши бежиз эмас, албатта. Йиллар давомида мактабгача ва бошланғич таълимга бегона кўз, бир томонлама, юзаки ва иккинчи даражадаги таълим тури сифатида қараш бир қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқардики, уларнинг аниқ ва мантикий ечимини топмай туриб, таълим сифатини ҳар томонлама ошириш, уни жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳақида ўйлаш қулгилдир. Қулаётган ва ё нураб бораётган бинонинг асоси - фундаментини қайтадан мустаҳкам қилиб қўймай туриб, бино барпо этиб бўлмаганидек, мактабгача ҳамда бошланғич таълимни тубдан ислоҳ этмай ҳамда йиллар давомида, угайларча муносабат натижаси улароқ унинг олдида тўпланиб қолган талай муаммоларнинг қисқа муддатларда қулай ва самарали ечимини топмай, таълимнинг сифат даражаси борасида фикр юритиш, уни жаҳон стандартлари даражасида кўтариш у ёқда турсин, хатто бу борада орзу қилиш ҳам ноўриндир.

Ўйинларнинг рангин оламини тарқ этиб, мактабга биринчи бор қадам қўяётган, мурғаккина юраги ва митти вужудини кўрқув аралаш ҳадик ҳамда ҳаяжон қуршаб олган ва ё сеvimли бўлиб қолган азиз боғчасидан муайян тартиб - интизом жорий қилинган бошқа бир, у учун ҳали мавҳум ва бегона бир таълим муассасасига йўл олаётган боланинг рухий кечинмалари олами ҳақида нимани биламиз? Мактабгача таълим муассасасидан у нималарни ўрганди, нималарни ўрганолмади? Шундай вазиятда бола қандай ёрдамга муҳтож? Биз унга қандай ва нима ёрдам беришимиз мумкин? Шу ёрдам кўлами ва усуллари олимларимиз томонидан ишлаб чиқилганми? Мактаб остонасида бола яна қандай муаммоларга рўбарў келади? Шундай муаммолар борми? Ҳеч иккиланмасдан, “Ҳа, бор”,- дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, биз боғчадан мактабга йўл олаётган бола психологияси ҳақида етарли даражадаги маълумотларга эга эмасмиз. Бу муаммо олимларимиз томонидан етарлича очиб берилмаган. Ушбу

масалага дахл этган тадқиқотчиларимиз ҳам унга сатҳий ва бир томонлама муносабат берганлар. хусусан, 6-7 яшар боланинг ушбу даврдаги руҳий кечинмалари далиллар орқали очиб берилмаган. Боғча кўрган ва кўрмаган болаларнинг мактабга тез мослашуви учун нималар қилиш керак? Қандай психологик ва педагогик чора-тадбирлар қўллаш уларни “ўтиш даври”дан безарар олиб ўтишга имкониятлар яратади? Негадир ҳалигача шундай ёрдамларнинг кўлами ва усуллари олишларимиз, томонидан ишлаб чиқилмаган. Нега? Бу саволимиз ҳам жавобсиз қолади. Бизнинг фикримизга бунга сабаб бирта - мактабгача ва бошланғич таълимга бўлган эътиборсизлик, уларни иккинчи даражадаги таълим муассасалари деб қарашдир. Бундай қарашни ўзгартириш ва замона талабларини чуқурроқ англаш ва унга муносиб ва мутаносиб муомалаю амалда бўлиш вақти етмадимикин!? Ахир биз Истиқлолни зор кутгандикку! Нега берган имкониятлардан дангасаларча фойдаланамиз!?

Масала моҳиятига чуқурроқ англаб етиш мақсадида мактабгача таълим ва бошланғич таълим ўртасидаги узвий ва мантиқий боғлиқлик ўрнига муайян “узилиш”лар мавжудлигини қайта-қайта таъкидлаш лозим. Бу узилишлар қандай салбий оқибатларга олиб келмоқда? Бу борада ҳам чуқур мулоҳаза юритиш вақти етмадимикин?.

Айни дамда иқтисодий муносабатларнинг янги турлари шаклланиб, кенг қулоч очиб бормоқда. Бунинг бир талай ижобий томонлари билан бир қаторда, салбий жиҳатлари борлигини ҳам эътироф этиш ва унга тик қарашга тўғри келади. Масалан, мактабгача таълим муассасалари кескин камайган эди. Айни дамда уларнинг сони ва тури ортиб бормоқда. Илгари бу таълим муассасалари давлат томонидан ҳар томонлама моддий ва маънавий жиҳатдан таъминланиб турилар эди. Айни дамда эса улар янги иқтисодий шароитга мослаша олмай миқдор жиҳатдан ҳам сифат жиҳатдан ҳам анча пастга тушди. Албатта, шаҳарларимизда ҳозирги вақтда янги имкониятларни излаб, саховатпеша хомийларни кашф этиб, гуркираб ўсаётган, жаҳон андозалари даражасига кўтарилаётган мактабгача таълим муассасалари ҳам йўқ эмас. Лекин бу оғир синовдан ўтолмай “синиб” кетганлари ҳам анчагина. Хуллас, бу иқтисодий қийинчиликлар мактабга қадам кўяётган боланинг муаммоларини кўпайтириши аниқ. Чунки мактабгача таълим муассасасида тарбияланган бола тартиб-интизомга кўникади, жамоа нималигини англайди, унинг талабларига мослашади, аста-секин бўлса ҳам масъулият нималигини ҳис қила бошлайди.

Агар аксинча бўлса-чи? Яъни бола боғчанинг йўқлиги ёки ёпилганлиги боис унда тарбияланмаган бўлса-чи? Унда, табиийки, мактаб у учун бир нотаниш – бегона жой бўлиб кўринади. Унга мактабга нисбатан кўркиш, ҳадиксираш, бегоналик ҳисси боғчага тарбияланган болага нисбатан кучли бўлади. Шунинг учун баъзи болалар “мактабга бормайман”, -деб хархаша қилиб, ота-онасини ташвишга кўяди. Натижада то бола мактабга кўниккунга қадар ота – онаси ва ё бошқа бир қариндоши у билан бирга мактабга қатнайдилар. Бу “қатнов”лар то бола мактабга кўниккунча давом этади ва аста-секинлик билан бу усулдан воз кечилади. Ўз-ўзидан аёнки, бу ҳолатлар болаларнинг руҳиятига ҳам салбий таъсир ўтказиши. Натижада улар ҳар қандай муваффақиятсизликлардан тез хафа бўлиб руҳий тушкунликка тушадилар. Уларда таълим олиш иштиёқи сусаяди ва тезроқ бу вазиятлардан чиқиб уйга бориш истаги кучаяди. Боғча таълимини олган болалар айримларини келтирганимиз муаммоларга дуч келсалар ҳам уни нисбатан тезроқ бартараф этишга эришадилар. Улар янги шароитга тез кўникадилар. Боз устига агар улар боғчага бирга қатнаган дўстлари билан мактабга борсалар бу мослашув янада самаралироқ бўлади.

Ҳақли савол туғилади. Нима қилсак юқорида зикр этганимиз муаммолар сифатли ечимини топади ва ё ҳеч бўлмаганда муайян миқдорда камаяди? Биринчи навбатда бу масала билан кўпроқ мутасадди институт ва марказларнинг илмий ходимлари шуғулланиб, тавсия ва хулосаларини илмий асосланган ҳолда пешниҳод қилишлари керак. Бу тавсия ва илмий хулосалар муайян тажрибалар билан мустаҳкамлангандан сўнг мактабгача ва бошланғич таълим мутахассислари томонидан амалда қўлланиши лозим. Иккинчидан, мактабгача таълим раҳбар ходимлари, мураббий ва тарбиячилари ҳамда бошланғич синф ўқитувчилари ўз иш фаолиятларини илм-фан янгиликлари, янги педагогик технологиялар, машҳур руҳшинос ва педагогларимизнинг илмий ишларидан бохабар бўлган ҳолда режалаштириб, ташкил этишлари керак. Акс ҳолда улар юқорида зикр этганимиз болаларнинг муаммоларини ҳал этиш ўрнида, уларни янада чигаллаштирадилар. Ўқитувчиларимиз ва мураббийларимизнинг илм-фан янгиликларидан ўз вақтида бехабар бўлиб бормасликлари, машҳур методистларимизнинг ишларидан бехабар қолишлари муаммоларни камайтириш ўрнида кўпайтиради. Шу ўринда воқеий бир ҳодисани келтириб ўтишни лозим топамиз: Икки дугона - биринчи синфга бораётган етти ёшли Раъно ва олти ёшли Сожида йўл бўйида учрашишди. Сожида мактабдан келаётган дугонасини завқ билан кутиб олиб, савол берапти:

- Раъно, мен қачон катта бўламану сендай мактабга бораман?

- Катта бўлма, мактабга борма, Сожида. Биласан-ми, сен ўйда хоҳлаганингча ўйнайсан, дам оласан. Мактабга-чи? Сени ўрадилар, қулоғингдан тортадилар. Уйнагани қўймайдилар. Партага ўтириб чарчаб кетасан.

Беғубор ва беғуноҳ бу икки дугонанинг суҳбати кишини бефарқ қолдирмайди. Ачинарлиси шундаки, бундай воқеалар мактабларда содир бўлиб туради ва биз бу ҳолни бефарқ кузатамиз. Шу боис мураббий – ўқитувчиларимиз замон талабига мувофиқ яхши руҳинос ҳам бўлишлари лозим. Таъкидлаш жоизки, агар бошланғич синф ўқитувчиси ўз ишига бефарқ бўлмай, тажрибали методистлар тавсиялари, педагог олишларимизнинг илғор қарашларидан доимий хабардор бўлиб борганида, шундай ҳолатлар вужудга келмас эди ва шундагина мазкур соҳалардаги тўпланиб қолган муаммоларни ечимини топиш осон кечади ва ҳаммасидан ҳам асосий ва муҳими болаларимиз мактабдан безимайдилар, унга биринчи кунлардан бошлаб меҳр қўядилар. Бу ҳол ўз навбатида ўқитувчиларимиз меҳнатини ҳам анча энгиллаштиради. Учунчидан, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда мухбирларимиз шу соҳа мутахассислари ва олимларимиз билан биргаликда мазкур муаммога диққатларини қаратиб, вақт-вақтида ушбу муаммони республика миқёсида ёритиб турсалар нур устига аъло нур бўлур эди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Umumiy oʻrta taʼlimning davlat taʼlim standarti va oʻquv dasturi boshlangich taʼlim (ona tili, oʻqish, matematika, tabiyot, 1-4-sinf). Toshkent, 2017, 159- bet.
2. Umumiy oʻrta taʼlimning Milliy oʻquv dasturi. Ona tili (1-11-sinf). Toshkent, 2021.

## **CHAPAQAY OʻQUVCHILARGA BERILADIGAN PEDAGOGIK YORDAM**

**R.A.Qoʻldoshev – Maktabgacha taʼlim kafedrasi mudiri**

*Pedagogika fanlari falsafa fanlari doktori (Phd)*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada chapaqay boshlangʻich sinf oʻquvchilariga yozishni oʻrgatishdagi muammolarni aniqlash va ularni qanday hal qilish boʻyicha koʻrsatmalar berilgan. Ushbu topshiriqlardan foydalanish chapaqay oʻquvchilarga maktabning birinchi kunlaridanoq tezda aniqlash va moslashishga yordam beradi. Maktabga moslashish deganda biz chapaqay bola bilan maktabning oʻzaro aloqadorlik jarayonini tushunamiz, buning natijasida taʼlim jarayonini tashkil etish shakllari, uning mazmuni va oʻqitish va tarbiyalash texnologiyalarining xususiyatlariga optimal muvofiqligi, bolaning moyilligi, qiziqishlari, bilimlari, qobiliyatlari va koʻnikmalari aniqlanadi.

**Kalit soʻzlar:** vazifa, moslashish, maktab, chapaqay, oʻnaqay, yozish, oʻrganish.

Bolalarga pedagogik yordam koʻrsatish zarurligi haqidagi fikr uzoq tarixga ega. K.D. Ushinskiy oʻqituvchining rivojlanishi uchun "sayohat qilish" maqsadini koʻrdi. Bolaga rivojlanishning barcha bosqichlarida yordam berish, qoʻllab-quvvatlash, unga ijobiy taʼsir oʻtkazish kerakligini oʻrtaga tashlaydi. N.G. Chernishevskiy oʻquvchiga xayrixoh boʻlish, uni rivojlantirishga yordam berish fikrini taʼkidlaydi. M. Montessori pedagogik yordamning mohiyati uning didaktik printsiplaridan birida shakllantirilgan: "Men uni toʻgʻri yoʻnalishga yoʻnaltirishim, uni hal qilishga undashim kerak, qolganlarini esa oʻzi qiladi".

"Hamkorlik pedagogikasi"ni shakllantirishda katta rol oʻynagan L.S. Vigotskiy, rivojlanish uchun yangi xulq-atvorni mexanik ravishda egallashni anglatuvchi bihevioristlarning oʻqitish konsepsiyasini tanqid qilgan. L.S. Vigotskiy pedagogikaga "eng yaqin rivojlanish zonasi" konsepsiyasini kiritdi. Uning fikriga koʻra, u oʻqitishni yaratadi, yaʼni "bolani hayotga olib keladi, uygʻotadi va harakatga keltiradi. Bir qator ichki rivojlanish jarayonlari bolaning ichki mulkiga aylanadi".

L.S. Vigotskiy bolaga qanday yordam berish mumkinligini, u qanday qilib bilmasligini, uni qoʻllab-quvvatlash orqali oʻqitish imkoniyatini koʻrib chiqadi. Pedagogik qoʻllab-quvvatlash nazariy jihatdan bir qator asosiy qoidalarga asoslanadi. Avvalo, bu L.S. Vigotskiyning nazariy konsepsiyasining qoidalari boʻlib, unga koʻra insonning aqliy rivojlanishining asosi uning hayotiy faoliyatining ijtimoiy holatini sifatli oʻzgartirishdir. Rivojlanish jarayoniga ijobiy taʼsir koʻrsatadigan A.N. Leontevning faoliyat nazariyasi pozitsiyasi etakchi faoliyatni boshqarishni anglatadi.

Hozirgi kunda taʼlim yordami gʻoyasi butun dunyoda keng tarqalgan. "Pedagogik yordam" tushunchasi koʻpincha xorijiy tadqiqotchilar tomonidan individual rivojlanish jarayonini tavsiflashda qoʻllaniladi. Shunday qilib, AQSH pedagogik adabiyotida "gaydens" atamasi mavjud boʻlib, u rus pedagogik ensiklopediyasida, AQSH taʼlim tizimida psixolog-pedagogik maslahat xizmati sifatida talqin etiladi. Keng maʼnoda, "gaydens" - bu har qanday qiyin vaziyatda, agar shaxs yangi shartlarga tanlash, qaror qabul qilish yoki moslashishga muhtoj boʻlsa yordam. Tor maʼnoda-muvaffaqiyatli oʻqish, kasb tanlash va oʻz

Inomova Mahliyo Yusuf qizi, Ermatova Mamlakat Qodirqulovna. MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA TARBIYALANUVCHILARI TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISHNING SAMARALI METODLARI.....	161
Отамуродова Ситора Султонмурод кизи. БАРМОҚ ЎЙИНЛАРИ БОЛА НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ВОСИТА СИФАТИДА.....	163
Xaydarova Shaxlo Narzullayevna. MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA KREATIVLIK QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISH MEХANIZMLARI .....	165
Haydarova Madina G'ulom qizi. MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING IJODIY QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISH OMILLARI.....	167
Qodirova Fotima. MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA JISMONIY TARBIYA MASHG'ULOTLARINI TASHKIL ETISH VA O'TKAZISHDA TA'LIMIY METODLARNI QO'LLASH.....	168
G.E.Rahmonova. OILADA BOLA TARBIYASIDA MILLIY AN'ANALARDAN FOYDALANISH.....	171
С.И.Холматова. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМ РЕСРУСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ .....	173
D.Sh.Qurbonova. Maktabgacha yoshdagi bolalarda muloqot kompetensiyalarini shakllantirish usullari ....	174
S.A.Rahimova. MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA MASHG'ULOTLARNI TASHKIL ETISH SHAKLLARI .....	176
Amonova Muqaddam Shukurovna, Otamurodova Roza. BOLALARNING NUTQINI RIVOJLANTIRISH UCHUN ILG'OR TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH.....	178
Сафарова Нигора Охунжоновна, Ибрагимова Захро Алишеровна. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БОЛАЛАРИДА ЛАТИФАЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИ ЎРГАТИШ	179
To'rayeva Charosxon. RAQAMLI AXBOROT DAVRIDA MAKTABGACHA TA'LIM YOSHIDAGI BOLALARGA TA'LIM-TARBIYA BERISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI .....	181
N.T.Tosheva, Raxmatova Gulnoza. MAKTABGACHA TA'LIMDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI.....	182
G.T.Boymurodova, N.Z.Qodirova. O'QUV-TARBIYA JARAYONINI SAMARALI TASHKIL ETISHNING PEDGOGIK IMKONIYATLARI.....	184
G.T.Yadgarova. MAKTABGACHA TA'LIMGA ZAMONAVIY PEDAGOGIK YONDASHUVNING AFZALLIKLARI .....	186
Ситора Давроновна Ниязова, Мирходжаева Наргиза. УГОЛОК ПРИРОДЫ КАК ЧАСТЬ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ РАЗВИВАЮЩЕЙ СРЕДЫ ДЕТСКОГО САДА.....	188
Турдиева Мохира Жўрақуловна, Шаропова Рушана Расул кизи. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАШҒУЛОТ –АСОСИЙ ТАЪЛИМ ШАКЛИ СИФАТИДА.....	190
Сидикова Дильноза Баходировна, Атаева Шахло Баходировна, Гафурова Д.Х. ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В СОВРЕМЕННОМ УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ .....	192
Nasimova Nasiba Qurbon qizi, Yuldasheva Munisa. MTTDA TASHKIL ETILGAN TEXNOLOGIYALAR ASOSIDAGI FAOLIYATLAR MAZMUNI .....	194
Yusupova Aziza Nodirjon qizi. MAKTABGACHA TARBIYA YOSHIDAGI BOLALARNING INTELLEKTUAL SALOHİYATINI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH.....	195
Sidiqova Yulduz Sobirovna. O'YINLAR VOSITASIDA BOLA NUTQINI RIVOJLANTIRISHNING SAMARALI YO'LLARI .....	197
Sidiqova Yulduz Sobirovna. MAKTABGACHA TA'LIM YOSHIDAGI BOLALAR NUTQINI RIVOJLANTIRISH IMKONIYATLARI .....	199
Sh.Sh.Murodova, N.Z.Qodirova. MAKTABGACHA TA'LIM JARAYONIDA SOG'LOM VA BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASH YOSHLARNING O'Z IJODIY VA INTELLEKTUAL SALOHİYATINI RO'YOBGA CHIQRISH.....	200
Karimova Ozoda, Rajabova L.Ch. MAKTABGACHA TALIM TASHKILOTILARIDA HARAKATLI O'YINLARNI TASHKIL ETISH MAZMUNI.....	202

## **2 SHO'BA. MAKTABGACHA TA'LIM VA O'RTA UMUMTA'LIM MAKTAB**

### **НАМКORЛИГИ, O'ZARO INTEGRATSIYADAGI YUTUQ VA MUAMMOLAR..... 204**

Азимов Юнус Юсупович, Юсуфзода Шабнами Юнус. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ.....	204
---	-----